

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 39 (1260) 2019-yil 27-sentabr, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида солиқ юкини камайитириш ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдаги номутаносибликларни қисқартириш бўйича чоралар амалга оширилди.

Истеъмол бозорининг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз «занжири»ни шакллантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғининг ставкаси **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтирилсин.

2. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришнинг амалдаги тартиби бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасида давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни «таҳлика-таҳлил» натижалари ва олдини олиш чораларини кўриш асосида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тартиби белгиланишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда:

давлат корхоналари, устав жамғармаси (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав жамғармаси (устав капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг **25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилишини;**

дивиденд шаклидаги тўланадиган даромадларга солиқ ставкасини сақлаб қолган ҳолда, юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкасининг **15 фоиз миқдорид**а белгиланишини;

қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби бекор қилинишини назарда тутсин.

4. Белгилансинки, илгари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобига тўланган ягона солиқ тўлови суммаси 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

6. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Ғулмов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 сентябрь

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

Маъқулаймиз, бироқ фикрларимиз ҳам бор...

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 34-моддасида прокурорнинг ваколатлари кўрсатилган. Лекин суд ҳукми чиқарилгандан сўнг ҳукм чиқарилган жиноят ишини ўрганиш юзасидан жиноят ишини прокуратура органига чақириб олиб, ҳукм юзасидан протест ёки ажрим чиқаришга эришадилар. Ваҳоланки, кодексда жиноят ишини ўрганиш учун прокуратура органи ишни чақириб олиши ҳақида қонда киритилмаган.

4

ПЛЕНУМ

Анжуманда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган бу йилги сайловларда иштирок этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.



Партиямизга ишонадилар ва бизга эргашадилар

Жорий йилнинг 25 сентябрь куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди

Анжуманда таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида — 2019 йил 22 декабрда ўтказилиши белгиланиб, 20 сентябрдан мамлакатимизда сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Бўлажак сайловлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илғор демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади, албатта.

Ўтган сайловларда йўл қўйилган камчиликлар партиянинг барча ташкилотлари томонидан чуқур таҳлил этилиб, бу йилги сайловларда улар-

ни такрорламаслик чоралари олдиндан кўрилмақда. Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари муносиб иштирок этишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Фаоллар, бошланғич партия ташкилотлари, умуман, электорат партиядан сайловларда муносиб қатнашишни талаб этмоқда.

2-3-БЕТ



Термизда “Сайлов жараёни ва уни ёритишнинг муҳим масалалари” мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳаллий оммавий ахборот воситалари раҳбар ва ходимлари, республика оммавий ахборот воситаларининг Сурхондарё вилоятидаги мухбирлари, маҳаллий давлат бошқарув органлари матбуот хизмати вакиллари иштирок этди.

Сурхондарёда сайловга тайёргарлик бошланди

Тадбирда вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича маслаҳат гуруҳи раҳбари, юридик фанлари доктори А.Отажонов, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи А.Раҳматов ва бошқалар мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — сайлов кампанияси бошланганини, жорий йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилишини таъкидлади.

“Янги Ўзбекистон: Янги сайловлар” деган ҳаётий шior танланган бу йилги сайловлар янги қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтказилади. Мазкур кодексда сайловларни умумэтироф этилган халқаро стандартлар, принциплар асосида демократик, очиқ-ошкора ўтка-

зишга хизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги норма ва қоидалар ўз ифодасини топган. Шу пайтгача амалда бўлган баъзи чекловлар чиқариб ташланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар нафақат кўп миллатли халқимиз, балки дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотаётир. Бундай янгиликлар бўлажак сайловларда ҳам ўз аксини топади. Жумладан, шу йил бўлиб ўтадиган сайловларда ҳар бир овоз эътиборга олиниб, ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда бевосита иштирок этади. Очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик амалда кенг таъминланади. Бу жараёни ҳаққоний ёритишда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор. Аҳолининг муҳим сиёсий бу жараёнга тайёргарлигини, уюшмаган

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

Бугунги сонда: **МАКТАБ** ҳам саводхона, ҳам фикрхона бўлсин

Ўзингиз ҳам гувоҳ бўлгансиз: мактабга меҳмон ёки комиссия келадиган бўлса, дарслар тўхтатилиб, ўқувчилар кеч қузми, баҳор изгириними, бундан қатъи назар, енгил кийимда турнақатор бўлиб, ҳовлида соатлаб саф тортиб туришди.

5

ЧИРОЙЛИ АВТОМОБИЛЬ РАҚАМЛАРИ фақат «акахон»ларга берилишига қачон чек қўйилади?

Ҳанузгача “фалончи ака” ёки турли “илтимос” орқали ишни битириш амалиёти сақланиб, бу ҳолатлар янада кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида, соҳада турли шубҳали, коррупцион ва сунистеъмоллик ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

7

